

312.1(575.1)
Л15

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

*Қўлёзма ҳуқуқида
УДК 312.1 (575.1)*

АБДУРАХМАНОВ АБДУАЗИМ ДЖАЛАЛИТДИНОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҲОЛИСИНИ ТАҚРОРИЙ
КЎПАЙИШИНИ ИҚТИСОДИЙ-СТАТИСТИК ТАҲЛИЛИ**

08.00.06 – “Эконометрика ва статистика”

**Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун
тақдим этилган диссертация**

АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2011

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг “Статистика” кафедрасида бажарилган.

Илмий раҳбар: иқтисод фанлари номзоди, доцент
Усмонов Бахтиёр Бобохонович

Расмий оппонентлар: иқтисод фанлари доктори, профессор,
Абдуллаев Ёркин Абдуллаевич
иқтисод фанлари номзоди, доцент
Эргашева Шахло Тургуновна

Етакчи ташкилот: **Ўзбекистон Республикаси**
Давлат статистика кўмитаси


Ҳимоя 2011 йил «29» апрел соат 9⁰⁰ да Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича Д.067.06.01 рақамли Ихтисослашган кенгаш мажлисида бўлади.

Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 49-уй

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университети кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2011 йил «29» март да тарқатилди

Ихтисослашган кенгаш
илмий котиби, иқтисод
фанлари доктори, профессор



Беркинов Б.Б.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида миллий иқтисодиётни янада ривожлантириш, уни бозор иқтисодиёти талабларига мувофиқлаштиришда аҳоли, унинг ўсиши, жойланиши, демографик таркиби каби жиҳатларини иқтисодиётни модернизациялаштиришга ўтиш даври нуктаи назаридан ўрганиш катта аҳамиятга эга. Шунингдек, аҳоли муаммоларини ижобий ҳал этиш, яшаш шароитини тубдан яхшилаш, сифат кўрсаткичларига эътибор бериш айниқса муҳим ҳисобланади. Зеро аҳоли жамиятда ҳам истеъмолчи, ҳам ишлаб чиқарувчи куч сифатида намоён бўлади.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов “Иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил қилиш, бандлик муаммосини ҳал этиш, аҳолини даромадлари ва фаровонлигини оширишда тобора муҳим ўрин тутаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, рағбатлантириш ва қўллаб қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди”¹, деб таъкидлаб ўтдилар. Бу каби ишлар самараси республика демографик ривожланиши муаммоларини ҳал этиш, иқтисодий ривожланиш дастурларини амалга оширишга хизмат қилади.

Бозор муносабатларига ўтишнинг бошланғич даврларида аҳоли турмуш шароитида юзага келган айрим ижтимоий-иқтисодий муаммолар аҳоли демографик жараёнларининг бироз ўзгаришига сабаб бўлди. Бирок, сўнгги йилларда мамлакатимизни ривожлантириш, янгилаш ва модернизатция қилиш бўйича Инқирозга қарши қабул қилган дастурни амалга оширилиши натижасида юртимизда иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг барқарор суръатлари таъминланишига ва аҳолининг моддий фаровонлигини юксалтиришга эришилди. Президентимиз таъкидлаганларидек “2009 йилда Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 8,1 фоизни ташкил этди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 9,0 фоизга кўпайди, кишлоқ хўжалигидаги ўсиш 5,7 фоизни ташкил этди, чакана савдо айланмаси 16,6 фоиз, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш 12,9 фоизга ошди”². Жумладан, республиканинг демографик жараёнлари яна аста-секин ривожлана бошлади. 2000 йилда республика аҳолиси сони 24,4 млн кишини ташкил этган бўлса, бугунги кунга келиб бу кўрсаткич 28,1 млн кишини ташкил этмоқда. Таъкидлаш жонзки аҳолининг сони, таркиби, такрор барпо бўлиши каби жиҳатлари иқтисодий жараёнларни ривожланишига таъсир кўрсатади. Шу боис, ўсиб бораётган аҳоли бандлигини таъминлаш, одамларнинг даромадини янада ошириш ва ҳаёт сифатини юксалтириш масалаларини ҳал этишда мамлакатда аҳоли сонининг ўсишини, уни такрор барпо бўлиши хусусиятларидаги ўзгаришларни илмий тадқиқ этиш,

¹ Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – Б. 42.

² Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – Б. 49.

демографик жараёнларнинг ривожланишини прогноз қилиш катта назарий ва амалий аҳамиятга эгадир.

Бугунги кунда айнан аҳолини такрор барпо бўлиши жараёнларини ёритувчи илмий-тадқиқот ишлари республика миқёсида етарлича деб бўлмайди. Ваҳоланки, бундай илмий асосланган изланишлар мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурини ва минтакавий сиёсатни ишлаб чиқиш ва уни амалга тадбиқ этиш учун зарурдир. Бунинг учун эса аҳолида юз бераётган ижтимоий-иқтисодий жараёнларни аҳолини такрор барпо бўлишига таъсирини комплекс статистик таҳлил этиш талаб этилади. Мамлакатимизда демографик ҳолатни янада такомиллаштириш зарурлиги ҳамда мазкур мавзунинг республикамиз олимлари томонидан алоҳида илмий тадқиқот объекти сифатида етарли даражада ўрганилмаганлиги таъланган мавзунинг долзарблигини белгилаб беради.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Аҳолининг такрор барпо бўлиши муаммолари А.Г.Вишневский, Д.И.Валентей, А.Я.Кваша, Г.Бахметова, А.Я.Боярский, Б.С.Урланис, Э.К.Васильева, М.С.Бедный, Я.Н.Гузватий, Э.А.Араб-Оғлы, Г.С.Кильдишев³ каби қатор хорижлик олимлар томонидан илмий тадқиқ этилган.

Ўзбекистонда аҳолининг демографик ривожланиш хусусиятлари борасидаги илмий изланишлар М.К.Қорахонов, И.Муллажонов, А.Б.Ата-Мирзаев, Р.Убайдуллаева, М.Р.Бўриева, Б.Б.Усмонов, Ф.К.Комилова, Б.К.Ғойибназаров, З.Раҳимова⁴ ва бошқа олимлар томонидан олиб борилган.

Аҳолишунос олим М.К.Қорахонов Ўрта Осиёда аҳоли ўсиш кўрсаткичлари тарихи борасида тадқиқотлар олиб борган. А.Б.Ата-Мирзаев тадқиқотлари урбанизация, демографик тараққиёт муаммоларини ўрганишда алоҳида диққатга сазовордир. М.Р.Бўриеванинг илмий тадқиқотлари туғилиш, оила муаммоларини ўрганишга қаратилган. Б.Усмоновнинг тадқиқотлари Ўзбекистон Республикаси шаҳар аҳолисини такрор барпо бўлишини статистик таҳлил қилишга қаратилган. Қайд этилган тадқиқотларда асосан Ўзбекистонда аҳоли такрор барпо бўлиши жараёнлари (туғилиш ва ўлим), уларга таъсир этувчи омиллар ва ҳудудий хусусиятлар асосан республика бозор иқтисодиётига ўтишга қадар бўлган давр учун ўрганилган. Илмий тадқиқотнинг натижалари ўлка демографик тарихини ўрганишда жуда қимматлидир. Шу жиҳатдан Ўзбекистоннинг янги иқтисодий шароитга ўтиш даврида аҳоли такрор барпо бўлишидаги ўзгаришлар тўлиқ ўрганилмаган ва

³ Вишневский А.Г. Воспроизводство населения и общество: истории, современность, взгляд в будущее. – М.: 1982; Валентей Д.И., Кваша А.Я. Основы демографии. – М.: Мысль, 1976; Бахметова Г.Ш. Сбор и обработка данных о населении. М.: Финансы и статистика, 2000. -199 с; Боярский А.Я. Курс демографии. - М.: Статистика, 1974.-446 с; Урланис Б.Ц. История одного поколения. Социально-демографический очерк. - М., 1968.-267 с; Араб-Оғлы Э.А. Демографические и экологические прогнозы. - М.: Статистика, 1978 -319 с.

⁴ Караханов М.К. Некапиталистический путь развития и проблемы народонаселения. – Ташкент: Фаң, 1983; Муллажанов И.Р. Демографическое развитие Узбекской ССР. – Ташкент: Узбекистан, 1983; Убайдуллаева Р.А. Узбекистон аҳолиси ва меҳнат ресурслари. – Тошкент: Узбекистон, 1997; Убайдуллаева Р.А., Ата-Мирзаева О., Умарова Н. Узбекистон демографик жараёнлари ва аҳоли бандлиги. – Т: Университет, 2006; Ата-Мирзаев О.Б., Каюмов А.А. Узбекистон аҳолиси: демографик вазият ва сиёсат // Ж. Иқтисод ва ҳисобот. – Тошкент, 1996. – №8; Тожиёва З.Н. Иқтисодий ва демографик статистика. – Тошкент: Университет, 2002; Бўриева М.Р. Узбекистонда оила демографияси. – Тошкент: Университет, 1997; Камилова Ф.К. Демографический потенциал Узбекистана – Ташкент: Узбекистан, 1991.

чуқур тадқиқ этишни талаб этади. Шуларни инобатга олганда, Ўзбекистонда иқтисодийetni модернизация қилиш шароитида аҳолининг такрор барпо бўлиш қонуниятларини статистик тадқиқ этиш бўйича чуқур илмий изланишлар олиб бориш зарурлигини талаб этди ва бу ўз навбатида ушбу тадқиқот ишининг мақсад ва вазифаларини белгилаб берди.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент давлат иқтисодийет университети «Статистика» кафедрасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: Ўзбекистон Республикаси аҳолисини такрор барпо бўлиши жараёнлари ва қонуниятларини комплекс равишда иқтисодий-статистик тадқиқ этиш асосида илмий жиҳатдан асосланган таклиф ва тавсиялари ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари. Қўйилган мақсаддан келиб чиқиб тадқиқот вазифалари этиб қуйидагилар белгиланган:

- аҳолининг такрор барпо бўлиш жараёнини авлодлар алмашуви, жамият барқарорлигига хос муҳим жараён ҳамда иқтисодий-статистик, демографик тадқиқотларнинг объекти сифатида талкин этиш, унинг параметрлари ва омилларини таҳлил қилиш;

- бозор иқтисодийети шароитида Ўзбекистон аҳолиси такрор барпо бўлиши кўрсаткичларини республика, шу жумладан ҳудуд миқёсда ишлаб чиқиш, қиёсий таҳлил қилиш ҳамда уларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

- янги ижтимоий-иқтисодий шароитда гипотетик ва реал авлодлар туғилиш кўрсаткичлари динамикасида юзага келаётган янги тенденцияларни аниқлаш, уларга таъсир этувчи иқтисодий-демографик омилларни статистик баҳолаш;

- жохон молиявий-иқтисодий инкирози шароитида Ўзбекистон аҳолисида ўлим жараёни ва унинг эндоген, экзоген омилларини ҳамда ўлим кўрсаткичларида юзага келаётган янги тенденция ва жараёнларни статистик таҳлил қилиш;

- республика аҳолиси такрор барпо бўлишининг статистик параметрларини (брутто, нетто коэффициентлари) ҳисоблаб чиқиш, динамика каторларини тузиш ва улардаги тенденцияларни аниқлаш;

- Ўзбекистон аҳолиси такрор барпо бўлишининг таркибий кўрсаткичларини статистик прогнозлаш.

Тадқиқот объекти ва предмети. Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси аҳолиси танланган. Тадқиқот предмети бўлиб эса Ўзбекистонда аҳоли такрор барпо бўлиши жараёнига хос тенденциялар ва қонуниятлар ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Диссертация тадқиқотида кагорга, статистик гуруҳлаш, нисбий миқдорлар, иқтисодий индекслар, динамик кагорлар, нисбий кўрсаткичлар тизими, статистик прогнозлаш каби усуллардан кенг фойдаланилди.

Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:

- аҳолини такрор барпо бўлиш жараёнини авлодлар алмашуви, унинг параметрлари омилларини статистик баҳолаш усули;

- янги ижтимоий-иктисодий муносабатлар шароитида гипотетик ва реал авлодлар туғилиш кўрсаткичлари динамикасида юзага келаётган янги тенденциялар ва уларга таъсир этувчи иктисодий-демографик омилларни баҳолаш усуллари;

- Ўзбекистон аҳолисида ўлим жараёни ва унинг эндоген, экзоген омиллари ҳамда ўлим кўрсаткичларида юзага келаётган янги тенденция ва жараёнларни статистик кузатиш натижалари;

- муаллиф томонидан амалга оширилган Ўзбекистон аҳолисининг такрор барпо бўлиши ва ундаги таркибий кўрсаткичлар прогнози;

- аҳолининг такрор барпо бўлиш ҳолатини оптималлаштириш бўйича илмий тавсиялар.

Илмий янгилиги. Тадқиқотнинг илмий янгилиги иктисодиётни модернизация қилиш шароитида Ўзбекистон аҳолисининг такрор барпо бўлиш жараёнларини комплекс иктисодий-статистик таҳлил қилиш ва баҳолаш асосида илмий тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилганлиги ҳисобланади.

Диссертациянинг илмий янгиликларини тавсифлайдиган муҳим натижаларга қуйидагилар киради:

- янги ижтимоий-иктисодий шароитда аҳолининг такрор барпо бўлиш жараёнларини статистик тадқиқ этишнинг ижтимоий-иктисодий мазмун моҳияти очиб берилган;

- Ўзбекистоннинг янги иктисодий муносабатларга ўтиш ва жаҳон молиявий-иктисодий инқирози шароитида аҳолини такрор барпо бўлиш жараёнларининг гипотетик ва реал авлодлар бўйича статистик параметрлари ишлаб чиқилган;

- аҳолининг такрор барпо бўлишидаги ўзгаришлар ва уларга таъсир этувчи демографик, ижтимоий, иктисодий омиллар статистик баҳоланган;

- танланма кузатишлар натижалари асосида ҳозирги авлоднинг репродуктив фаолияти ўрганилган ва Ўзбекистоннинг шаҳар ва қишлоқ аҳолиси учун ўлим жадваллари тузилган;

- Ўзбекистоннинг демографик ривожланиш хусусиятларини ҳисобга олиб, республика аҳолиси такрор барпо бўлиши кўрсаткичларининг 2020 йилгача бўлган даврдаги статистик прогнози амалга оширилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертацияда ишлаб чиқилган илмий ҳудосалар ва амалий тақлифлар аҳолини такрор барпо бўлиши жараёнларини баҳолашни такомиллаштиришга хизмат қилади. Аҳоли такрор барпо бўлишининг прогноз кўрсаткичларидан Ўзбекистон Республикасининг иктисодий ўсишни таъминлаш борасидаги демографик сиёсатни олиб бориш ва такомиллаштиришда, унинг ўрта ва узок муддатдаги вазифаларини аниқлашда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, тадқиқот натижаларидан Ўзбекистон Республикаси шаҳар ва қишлоқ ҳудудларининг ижтимоий-иктисодий ривожланиш дастурини тузишда, демографик прогнозлар қилишда, аҳолининг алоҳида ёш гуруҳлари (болалар ўсмирлар, ёшлар, меҳнат ёшидаги аҳоли ва қариялар)нинг келажақдаги динамикасини тузишда илмий асос бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, республика ҳудудларида аҳоли такрор барпо бўлиши хусусиятларини ўрганишда услубий қўлланма сифатида

фойдаланилади. “Аҳоли статистикаси”, “Ижтимоий статистика”, “Социология” фанлари бўйича тайёрланаётган дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг айрим мавзуларини ёритишда тадқиқот натижаларидан кенг фойдаланиш мумкин.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Тадқиқот натижасида эришилган асосий натижа ва хулосалар Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг “Демография ва меҳнат статистикаси” бошқармаси амалий фаолиятига (№ 01/2-11-06-343, 30.11.2009), ҳамда Тошкент давлат иқтисодиёт университети (№02-3403, 13.11.09) ўқув жараёнига жорий этилган.

Ишнинг синовдан ўтиши. Диссертация ишининг асосий илмий натижалари ва амалий таклифлари “Иқтисодиётни барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш: ютуқлар, муаммолар ва вазифалар” (Тошкент, ТДИУ, 2008), «XXII-е Международные Плехановские чтения» (Москва, РЭА им. Г.В. Плеханова, 2009), «Социально-демографические процессы в современном Узбекистане» (Ташкент, UNPFA, 2009), “Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози шароитида меҳнат муносабатларини такомиллаштириш масалалари” (Тошкент, ТДИУ, 2010) мавзуларидаги халқаро ва республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган ва маъқулланган. Шунингдек, диссертация иши Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг “Статистика” кафедраси, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги “Республика аҳоли бандлиги, меҳнатни муҳофаза қилиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш илмий Маркази” илмий семинарида ҳамда ТДИУ хузуридаги Д.067.06.01-рақамли кенгаш илмий семинарларида муҳокама этилиб, ҳимояга тавсия этилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Тадқиқот натижалари бўйича 6 та илмий мақола ва маъруза тезислари эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация 143 бет, шунингдек 43 та жадвал ва 15 та расмдан ташкил топган.

Тадқиқотнинг **кириш** қисмида танланган мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси асосланиб тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, илмий янгилиги ҳамда назарий ва амалий аҳамияти баён қилинган.

Диссертациянинг биринчи боби “Аҳоли тақрор барпо бўлиши жараёнларини статистик ўрганишнинг назарий-услубий асослари” деб номланган бўлиб, унда аҳолининг тақрор барпо бўлишини жамият барқарорлигини таъминловчи муҳим жараён эканлиги, унинг параметрлари, омилларини ўрганиш ва унинг илмий-амалий аҳамияти ҳамда методологияларини ёритиб беришга бағишланган. Шунингдек аҳоли тақрор барпо бўлишини жаҳон ва Ўзбекистон миқёсида ўрганилиши, Ўзбекистонда аҳоли тақрор барпо бўлиши кўрсаткичлари динамикасида XIX асрнинг иккинчи ярмидан республиканинг мустақиллик давригача бўлган ўзгаришлари статистик таҳлил этилган.

Диссертациянинг “Ўзбекистон Республикасида аҳолини тақрор барпо бўлиши жараёнларининг статистик таҳлили” деб номланган иккинчи бобида, Ўзбекистоннинг янги иқтисодий шароитга ўтиши даврида аҳолини тақрор барпо бўлиш жараёнлари кўрсаткичлари динамикаси тузилган; туғилиш

гипотетик ва реал авлодлар бўйича статистик таҳлил этилган, ўрганилаётган даврдаги ўзгаришлари аниқланиб, унга таъсир этувчи демографик, иқтисодий омиллар ўрганилган; ҳозирги авлодларда ўлим жараёни ва унинг эндоген, экзоген омиллари, кишлок, шаҳар ҳудудлари, аҳоли ёш гуруҳлари бўйича кўрсаткичлари ўрганилиб, статистик таҳлил этилган.

Диссертациянинг “Ўзбекистон аҳолиси такрор барпо бўлиши жараёнларини статистик прогностлаштириш услубияти” деб номланган учинчи бобда Ўзбекистонда аҳоли такрор барпо бўлиши жараёнининг прогност кўрсаткичлари ва уни ҳисоблашга эътибор қаратгани ҳолда, туғилиш ва ўлим жараёнининг келажакдаги ўзгариши прогност қилинган. Ўзбекистонда туғилишнинг ёш гуруҳлари коэффиценти 2020 йилгача прогност қилинган. Шунинг билан бирга, мазкур бобда аҳоли такрор барпо бўлишидаги ўзгаришларни ифодаловчи энг муҳим кўрсаткич бўлмиш, туғилишнинг йигинди коэффицентини ҳамда аҳоли такрор барпо бўлиши коэффицентлари прогностлари асослаб берилган ва унинг натижалари таҳлил қилинган.

Тадқиқотнинг хулоса қисмида Ўзбекистонда янги иқтисодий шароитга ўтиш даврида аҳоли такрор барпо бўлиш жараёнларидаги асосий ўзгаришлар қайд этилиб, унга боғлиқ ижтимоий-иқтисодий ва демографик муаммолар аниқланган, ҳамда уларни бартараф этиш, олдини олиш борасида илмий хулоса ва таклифлар берилган.


ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Аҳолининг такрор барпо бўлиши жамият давомийлигини таъминловчи бош жараён бўлиб, инсон авлодини мунтазам алмашинувини ифодалайди. Илмий манбаларда аҳолининг такрор барпо бўлиши уч турдаги (табiiй, ҳудудий ва социал) ҳаракатлари йиғиндиси сифатида қайд этилади. Аҳоли такрор барпо бўлиши бевосита туғилиш ва ўлим жараёнининг яқлиг натижаси бўлганлиги боис, туғилиш ва ўлимга оид барча статистик маълумотлар аҳоли такрор барпо бўлиши кўрсаткичлари тизимини ташкил этади.

Статистик таҳлилларга кўра, Ўзбекистонда XX асрнинг бошидан то 1930 йилга қадар туғилиш даражаси жуда ҳам юқори бўлган. Бироқ, туғилишнинг юқори даражаси, юқори табiiй ўсишни таъминлай олмаган. Сабаби бу даврда ўлим даражаси ҳам жуда юқори бўлган. Айниқса болалар ўлими даражаси, ўша даврда ривожланган мамлакатлардаги ўлим даражаси кўрсаткичларига нисбатан 5-9 марта кўп бўлган. Бунга эса тиббиётнинг ривожланмаганлиги ҳамда ўша даврларда аҳоли ўртасида турли хил юқумли касалликларни тарқалганлиги сабаб бўлган. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги “тўлдириш” даврида аҳоли такрор барпо бўлиши кўрсаткичлари динамикасида ижобий ўзгаришлар кузатилди. Бу даврда туғилиш кўрсаткичлари кўтарилиб, ўлим кўрсаткичлари эса кескин камайди. Шунингдек, бу тенденция то 1990 йилларга қадар сақланиб қолди.

1990-2009 йиллар мобайнида Ўзбекистон аҳолиси мутлақ миқдори 7,7 миллион кишига кўпайди (1-расм). Энг охириги ўтказилган 4 та аҳоли рўйхати ва ундан кейинги даврдаги аҳолининг мутлақ кўпайиши таҳлили республика

аҳолисига ҳар 10 йилда ўртача 4 миллион киши қўшилаётганини кўрсатади.



1-расм. Ўзбекистон Республикаси аҳолиси сони динамикаси⁵

Ўзбекистонда аҳоли муаммолари билан шуғулланган Р.Убайдуллаева, О.Атамирзаев, Н.Умароваларнинг фикрига кўра “Кейинги 10 йилликда республика аҳолиси ўсиш суръатининг кескин камайиши, бунинг натижасида аҳоли мутлоқ сони ўсишининг камайиши, туғилишни ва табиий кўпайишнинг пасайишида ва миграция оқимининг манфий кўрсаткичларида намоён бўлмоқда”⁶.

Диссертацияда олиб борилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики ҳозирги реал авлод вакилларида туғилиш кўрсаткичлари кекса ва ўрта авлод вакилларида деярли 2-2,5 баробар қисқарган. Ушбу ҳолатга кўпроқ ижтимоий-иқтисодий омиллар сабаб бўлмоқда. Туғилиш кўрсаткичларига бевосита таъсир этувчи демографик омиллардан асосийси аҳоли таркибида репродуктив ёшдаги аёллар салмоғидир.

1-жадвал

Ўзбекистонда репродуктив ёшдаги аёлларнинг ёшлар кесимидаги таркиби ва уни динамикаси (фоизда)*

Репродуктив ёшдаги аёлларнинг ёш гуруҳлари	Йиллар				
	1991	2000	2005	2006	2009
15-19	18,0	17,0	18,0	17,2	20,2
20-24	20,0	18,3	18,5	19,4	19,1
25-29	19,6	16,4	15,7	15,6	15,3
30-34	17,0	14,5	14,0	13,6	13,0
35-39	12,1	14,2	12,3	12,2	11,7
40-49	13,3	19,6	21,5	22,0	20,7
15-49	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0

* Жадвал Демографический ежегодник Узбекистана 2003 – Ташкент, 2004. – С 153-154, Социальное развитие и уровень жизни населения в Узбекистане 2005. – Ташкент, 2006. – С.46 маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

⁵ Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

⁶ Убайдуллаева Р., Ата-Мирзаев О., Умарова Н. Ўзбекистон демографик жараёнлари ва аҳоли бандлиги. -Т.: Университет, 2006. – Б.11.

Юкоридаги 1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 1991-2008 йилларда репродуктив ёшдаги аёллар таркибида 20-34 ёшдаги аёллар салмоғи 56,6 фоиздан 45,0 фоизга тушиб қолган ёки 11,6 пунктга камайган. 35-49 ёшдаги аёллар гуруҳи салмоғи эса аксинча ўрганилаётган даврда 25,4 фоиздан 33,9 фоизгача кўтарилган. Аёллар ёш гуруҳидаги бундай таркибий ўзгаришлар маълум даражада туғилиш кўрсаткичларининг камайишига сабаб бўлган. 1991-2008 йиллардаги туғилишнинг махсус коэффициенти (1000 та репродуктив ёшдаги аёлларга нисбатан туғилганлар сони) 152,14 дан 80,22 га тушган.

Муаллиф фикрича, туғилиш кўрсаткичларига алоҳида ёш гуруҳларидаги туғилиш коэффицентлари ва репродуктив ёшдаги аёллар таркиби таъсирини индекс тизими услуби билан аниқроқ баҳолаш мумкин. Бунинг учун тадқиқотда куйидаги формуладан фойдаланилди⁷:

$$\frac{\sum R_i^1 r_i^1}{\sum R_i^0 r_i^0} = \frac{\sum R_i^0 r_i^1}{\sum R_i^0 r_i^0} \cdot \frac{\sum R_i^1 r_i^1}{\sum R_i^0 r_i^1}, \quad (1)$$

Бу ерда: R_i - i ёш гуруҳидаги туғилиш коэффицентлари (R_i^0 - таққосланадиган базис давр учун, R_i^1 - жорий давр учун), r_i - аёлларнинг ёш таркиби (r_i^0 - таққосланадиган базис давр учун, r_i^1 - ҳозирги жорий давр учун).

Ушбу формула асосида тадқиқотда 1991-2009 йиллар учун қайд этилган туғилиш кўрсаткичларига аёллар ёш таркиби ва алоҳида ёш гуруҳларидаги туғилиш таъсири аниқланди. Таҳлиллар кўрсатишича, Ўзбекистонда 1991-2008 йилларда туғилишнинг махсус коэффицентининг камайиши 21,5 фоизга аёллар ёш таркибининг ўзгариши ҳисобига, 47,3 фоизи эса ёш гуруҳларида туғилиш кўрсаткичларининг ўзгариши ҳисобига содир бўлган. Дарҳақиқат, республикада туғилиш коэффицентини барча ёш гуруҳларида камайган. Айниқса 30-39, 40-49 ёш гуруҳларида камайиш суръати юқори бўлган.

Республикадаги янги иқтисодий шароит ҳамда республикада аёллар иқтисодий фаоллигини ошириб бориши уларнинг репродуктив фаолиятига ҳам таъсир кўрсатмоқда. Ушбу ўзгаришларни баҳолаш учун илмий ишда танланма кузатиш асосида махсус статистик тадқиқот олиб борилди. Олинadиган натижаларни репрезентативлигини таъминлаш мақсадида танлама кузатиш Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти мисолида тақдорланмайдиган йўл билан ўтказилди. Тадқиқот дастурига респондентларнинг жинси, миллати, туғилган санаси, маълумоти, иш жойи ва эгаллаган касби, oilаси, фарзандларининг сони, жинси, никоҳга кирган ёши ва никоҳ ҳақидаги фикрлари, шунингдек репродуктив майлини ўрганишга оид саволлар киритилди.

Тадқиқот 2009 йил Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг Қибрай, Юқори Чирчиқ, Паркент туманларида ўтказилган бўлиб унда 1960-1990 йилларда туғилган 1000 киши, яъни 406 та эркаклар, 594 та аёллар иштирок этдилар. Улардан 1960-1964, 1965-1969, 1970-1974 йилларда туғилган кагорталарнинг репродуктив даври деярли тугаган бўлиб, бу давр асосан янги иқтисодий ислохотлар даврига тўғри келади.

⁷ Панкратова Е.В. Население и воспроизводство – Москва: Статистика, 1977. – С. 14-16.

Тадқиқотда иштирок этган 1960-1974 йил кагорта-аёлларнинг 294 нафари Тошкент шаҳрида истикомат қилувчи маҳаллий миллат вакиллари дидир. Уларнинг ҳар бири оилада ўртача 3,4 нафардан фарзанд кўришган. Лекин уларнинг иктисодийта банд бўлган соҳалари бўйича бу кўрсаткич маълум даражада фарқ қилади. Тошкент вилоятида уй бекалари ҳамда кишлоқ хўжалигида банд аёлларнинг оиладаги фарзандлар сони, ишчи, хизматчи, тадбиркор ва бошқа соҳаларда банд аёлларга қараганда юқорирок кўрсаткичга эга. Таъкидлаш жоизки, жами респондент аёлларнинг 27,5 фоизи ишчи, 36,0 фоизи хизматчи, 4,4 фоизи кишлоқ хўжалигида, 6,8 фоизи савдо соҳасида, 3,4 фоизи тадбиркор, 16 фоизи уй бекаси ва 5,9 фоизи бошқа соҳаларда (вақтинча ёлланма ишчи, вақтинча бозорда) банддирлар. Тошкент вилоятининг кишлоқ туманларида яшовчи аёлларнинг оиладаги фарзандлар сони шаҳар аёлларининг оиладаги фарзандлари сонидан кескин фарқ қилмоқда. Тадқиқотда иштирок этган аёлларнинг 300 нафари ёки 50,5 фоизи Тошкент вилояти кишлоқ туманларида яшайдилар.

Кишлоқ худудларида яшовчи ўрганилаётган кагорталарнинг ҳар бири оилаларида ўртача 3,6 тадан фарзанд кўришган. Тадқиқотда иштирок этган респондентларнинг 60,1 фоизи кишлоқ хўжалигида меҳнат қилаётганлар ва уй бекалари дидир. Улардан 4,5 фоизи ишчилар; 21 фоизини хизматчилар, 2,8 фоизини савдо соҳасида меҳнат қилаётганлар; 0,6 фоизини фермерлар 1,2 фоизини тадбиркорлар ва 9,8 фоизини бошқа соҳаларда фаолият кўрсатаётганлар ташкил қилади. Тадқиқот натижалари кўрсатишича, ўрганилаётган кагорталарда аёлларнинг бандлик соҳалари уларнинг репродуктив фаолиятларига маълум даражада таъсир этишда давом этмоқда. Ҳозирги авлодда ҳам ўрта авлод каби аёллардан юқори даражада билим, малака ва кўп вақт талаб этувчи ишчи, хизматчи каби гуруҳларда фарзандлар сони кишлоқ хўжалигида меҳнат қилаётган гуруҳлар ва уй бекаларига нисбатан бир мунча камроқдир. Шуниси эътиборлики, ҳозирги авлод вакиллари аёлларнинг бандлик соҳаларидан катъий назар оилада ўртача фарзанд кўриш билан кифояланмоқдалар. Бошқача айтганда, уларнинг репродуктив майли ўрта авлод вакилларидан фарқ қилиб ўртача болалниқ даражасида шакллангандир. Шундай бўлсада, аҳолини тақрор барпо бўлишига аёллар бандлиги иктисодий омил сифатида таъсир этмоқда.

Тадқиқот давомида шу нарса маълум бўлдики, аксарият ёшлар (20-29 ёшлар) оилаларида 2 тадан фарзандга эгадирлар. Уларнинг кўпчилиги учинчи фарзандни кўришни хоҳлайдилар.

Тадқиқотда эркакларнинг ҳам бандлик соҳалари ва оиладаги фарзандлари сони ўртасидаги боғлиқлик ўрганилди. Натижаларнинг кўрсатишича, Тошкент шаҳрида яшовчи ишчилар, савдо соҳасида ишловчилар, тадбиркорлар оилаларида фарзандларнинг сони хизматчилар оилаларидагига нисбатан бир мунча юқорироқдир. Респондент эркакларнинг шаҳарда 38,7 фоизи турли ёлланма ишларда банд. 1960-1974 йилларда туғилган Тошкент шаҳрида яшовчи эркакларнинг оилаларида 2,9 нафардан фарзандлари бўлса, кишлоқ туманларида яшовчи эркакларда эса бу кўрсаткич 3,2 нафарни ташкил этди. Кишлоқ туманларида 20,7 фоиз респондент эркакларнинг тайин иш жойлари

йўқлиги сабабли улар, турли мавсумий ишларда фаолият кўрсатганлиги маълум бўлди. Эраклар ўртасида олиб борилган оғзаки сўровда, уларни оиладаги иқтисодий муаммолар кўпроқ ташвишга солаётганлигини ва кўпчилиги оилаларда 2-3 нафар фарзанд бўлгани маъқуллигини таъкидлашди. Ҳозирги авлод вакилларининг репродуктив фаолияти ва майлининг бу каби ўзгаришига оиласининг иқтисодий имкониятлари муҳим омил сифатида таъсир этмоқда.

Тадқиқот натижалари кўрсатишича, 1991–2008 йиллар давомида Ўзбекистоннинг шаҳар ва қишлоқ ҳудудларида туғилиш даражаси бирмунча пасайганлиги кузатилмоқда. Шаҳар ва қишлоқ ҳудудларида қадимдан мавжуд бўлиб келган туғилиш даражасидаги фарқ кейинги йилларда қишлоқ аҳолиси орасида тез суръат билан камайиши ҳисобига кескин қисқарган. Мамлакатимизда туғилишнинг пасайиш тенденцияси асосан репродуктив максادلари ўзгариши натижасида пайдо бўлган. Муаллиф фикрича, бу ҳол бозор иқтисодиётининг таъсири остида юзага келган. Шунингдек, 1991-2008 йиллар давомида Ўзбекистоннинг шаҳар ва қишлоқ ҳудудларида ўлим даражасини пасайиш тенденцияси кузатилмоқда. Вилоятлар бўйича келтирилган маълумотлар Ўзбекистонда чакалоқлар ўлими ҳолларини янада пасайишига имкон борлигини кўрсатади.

Республикада туғилишнинг ретроспектив таҳлили ва ҳозирги ҳолатини атрофлича ўрганиш, туғилишга таъсир этувчи ижтимоий-иқтисодий, демографик, экологик омиллар ҳамда ёшларнинг репродуктив майли хусусиятларини ўрганиш уни 2020 йилгача прогнозлаш учун илмий асос бўлиб хизмат қилди (2-жадвал).

Туғилишнинг ёш гуруҳлари коэффиценти динамикаси ва авлодлар бўйича кўрсаткичлари, аҳолининг оилада фарзандлар сони ҳақидаги фикрлари таҳлили асосида Ўзбекистонда туғилиш жараёнида келажакда қутилаётган кўрсаткичлари ишлаб чиқилди.

2- жадвал

Ўзбекистонда туғилиш ёш гуруҳлари коэффицентининг ўзгариши (2008-2020 йиллар, % да)*

Репродуктив ёшдаги аёлларнинг ёш гуруҳлари	Жами аҳоли		Шаҳар аҳолиси		Қишлоқ аҳолиси	
	а ^х	б ^х	а ^х	б ^х	а ^х	б ^х
15-19	9,44	-0,06	13,11	-0,05	7,68	-0,06
20-24	175,81	-0,90	157,24	-0,70	185,76	-1,00
25-29	185,70	+1,20	154,26	+1,80	203,24	+0,90
30-34	95,44	+0,50	80,78	+0,60	104,49	+0,50
35-39	37,61	+0,40	33,22	+0,30	40,52	+0,40
40-44	6,11	-0,10	5,65	-0,02	6,39	-0,20
45-49	0,45	-0,01	0,33	-0,01	0,53	-0,01

* Манба: Жадвал муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилган.

Бу ерда, а^х – туғилишнинг ёш гуруҳлари коэффиценти (2008 й.),
б^х – туғилиш коэффицентининг йиллик ўзгариш варианти (%).

Юқоридаги 2-жадвалдан кўриниб турибдики, 15-19 ёшдаги аёлларда туғилиш республиканинг шаҳар жойларида ўртача 0,05 % дан, қишлоқ жойларида эса 0,06 % дан камайиб бориши кўрилади. Туғилишнинг камайиши 20-24 ёш гуруҳларида ҳар йили ўртача 0,9 % ни (шаҳарда ўртача – 0,7 % ни, қишлоқда – 1 % ни) ташкил этади. Бундай ҳолат 1991-2000 йилларда 15-19 ёшдаги гуруҳда туғилиш коэффициентининг 80,5 фоизга, 2000-2008 йилларда – 55,2 фоизга, 20-24 ёш гуруҳда эса ушбу даврларда мос равишда 42,0 ва 14,4 фоизга камайишида ўз аксини топди.

2008-2020 йилларда 25-29, 30-34 ва 35-39 ёшларда туғилиш коэффициентининг бирмунча ошиб бориши кузатилади. Бундай ҳолат мазкур ёш гуруҳларида ўрганилаётган даврда туғилиш коэффициентининг мунтазам ўсиб бориши, шунингдек, ўзбеклар ва республикада яшаб келаётган маҳаллий миллатларга мансуб аҳолининг оилада фарзандлар кўриш ҳақидаги эҳтимоллик ҳамда ҳозирги авлод вакиллари фарзандлари орасидаги интергенетик (биринчи, иккинчи ва ундан кейинги фарзандлар туғилиши орасидаги) даврлар таҳлили асосида олинган натижалар билан изоҳланади.

2008-2020 йилларда 40-44, 45-49 ёш гуруҳларида республиканинг шаҳар, қишлоқ ҳудудларида туғилиш коэффициенти 1991-2008 йилларда бўлгани каби камайиш жараёни давом этади.

Бирок, республикада яқин 10-12 йил давомида туғилиш коэффициентларида кескин ўзгаришлар содир бўлмайди. Чунки туғилишнинг бугунги ҳолати ўзбек оилалари ва бошқа маҳаллий миллат оилаларининг демографик майли таъсирида шаклланган. Бу эса уларнинг репродуктив майли мотивларига мос келади. Шундай бўлсада келажакда 15-19 ва 40-49 ёшдаги гуруҳларда туғилиш қисқариб боради. Бунинг сабаби бир томондан ёшларнинг, хусусан аёлларнинг аксарияти 20-22 ёшда никоҳга киришни маъқуллаши ва шу ёшда никоҳнинг юқорилиги бўлса, иккинчи томондан 40-49 ёшларда тўртинчи, бешинчи ва ундан кейинги фарзандлар туғилишининг жуда ноёб ҳолатга айланиб бораётганлигидир.

Тадқиқот натижаларига кўра, республикамизнинг бозор муносабатларига ўтиши аҳоли саломатлигига, хусусан, ўлим кўрсаткичларига ҳам ўз таъсирини ўтказди. Қатор эндоген ва экзоген омиллар таъсири остида маълум ёшларда ўлим кўрсаткичлари камайган бўлса, айрим ёшларда эса унинг ўсиши кузатилди. 1991-2008 йилларда республикада 1000 кишига нисбатан ўлганлар сони ҳар йили ўртача 1,25 фоиздан камайиб борган. Таҳлиллар кўрсатишича, ўлим жараёнидаги ўзгаришлар 1991-2008 йилларда бир хил суръатда давом этмаган. 1991-2000 йилларда, яъни янги иқтисодий ислохотларга мослашув даврида ёшлар гуруҳида (20-24 ёш) ҳамда 50-59, 60-69, 70-79, 80 ва ундан юқори ёш гуруҳларида ўлим кўрсаткичлари ошиб борган. Кейинги давр, яъни 2000-2008 йилларда Ўзбекистон аҳолисининг 75-79 ёш гуруҳидан ташқари барча ёш гуруҳларида ўлим коэффициентида камайиш суръати кузатилди.

Аҳолининг тақрор барпо бўлиш жараёни статистик прогнозини ишлаб чиқишда аҳоли ўлим жадвали маълумотлари муҳимдир. Шунинг учун ҳам тадқиқотда аҳолининг ёш ва жинсий таркиби ҳамда ёш гуруҳлари бўйича ўлганлар сони ҳақидаги маълумотларга эга бўлиш учун Ўзбекистоннинг шаҳар,

кишлоқ ҳудудлари кесимида ўлим жадвалини ҳисоблашлар амалга оширилмоқда. Ушбу жадвал шаҳар ва кишлоқ ҳудудлари аёллари ва эркаклари учун алоҳида ҳисобланди. Ҳар иккала ҳудудда ҳам аёлларнинг яшаш эҳтимоли, туғилганда кутилаётган умр давомийлиги эркакларга нисбатан юқорилик даражада сақланиб қолади. Шунингдек, шаҳар ҳудудларида аҳолининг ўртача умр кўриш давомийлиги кишлоқ ҳудудларига нисбатан юқорилик ҳолати келажакда ҳам давом этиши назарда тутилди.

Ўлим жадвали маълумотлари, аҳоли миграциясини ҳисобга олмаган ҳолда аҳоли ўлими жараёнидаги ўзгаришлар қонуниятини статистик таҳлил этишга шунингдек, ҳар бир ёш гуруҳининг яшаш эҳтимоли, улардан яшаб қолганлари ҳамда яшаётганлари ҳақида аниқ маълумот беради. Бундан ташқари, ўлим жадвали маълумотлари асосида нафақат айрим олинган мамлакат, балки бир неча давлатларда муайян давр ичида ўлим жараёнидаги ўзгаришларни таҳлил этиш мумкин. Тадқиқотда республика аҳоли ёш гуруҳлари кесимида ўлим коэффициентининг статистик прогнози ишлаб чиқилди (3-жадвал).

3-жадвал

Ўзбекистон аҳолиснинг ёш гуруҳлари кесимида ўлим коэффициентлари ўзгаришининг прогнози* (% да)

Ёш гуруҳи	Ҳақиқатда		Прогноз	
	2007 й.	2009 й.	2015 й.	2020 й.
0-4	4,1	3,49	4,07	3,62
5-9	0,3	0,36	0,26	0,22
10-14	0,3	0,31	0,26	0,23
15-19	0,5	0,52	0,36	0,27
20-24	0,8	0,79	0,59	0,44
25-29	1,3	1,17	1,04	0,85
30-34	1,7	1,61	1,59	1,45
35-39	2,2	2,00	2,00	0,87
40-44	3,0	2,75	2,75	2,52
45-49	4,4	4,09	4,05	3,72
50-54	7,5	6,58	6,26	5,45
55-59	12,5	11,43	11,49	10,82
60-64	21,0	19,55	19,76	18,98
65-69	33,1	30,91	29,32	27,00
70-74	52,6	48,30	51,67	51,23
75-79	84,9	80,65	94,73	101,19
80-84	104,9	102,29	99,30	96,15
85 ва ундан юқори	133,2	116,81	101,53	82,31

* Муаллиф томонидан ҳисобланган.

Юқоридаги прогноз маълумотларидан кўриниб турибдики, 30-74 ёшлардаги гуруҳда ўлим кўрсаткичлари келажакда камайиб боради. Бироқ 75-79 ёш гуруҳларида эса ўлим кўрсаткичининг биров ўсиб бориши кузатилади. Бундай ҳол инсон организми билан боғлиқ эндоген сабаблар билан изоҳланади ва келажакда ҳам шундай ҳолат қайд этилади. Шуниси характерлики 80-84, 85

ва ундан кейинги ёш гуруҳларда эса ўлим мунтазам камайиб бориши кузатилади.

Тадқиқот натижалари кўрсатишича, Ўзбекистонда 2000-2008 йиллардаги ижтимоий-иқтисодий ва демографик ҳолат кескин ўзгаришсиз давом этиш баробарида, республиканинг шаҳар, қишлоқ ҳудудлари аҳолисининг барча ижтимоий-демографик гуруҳларида келажақда ўлим кўрсаткичларининг аста секин камайиб бориши кутилади. Натижада аҳолининг ҳаёт давомийлиги кўрсаткичи узайиб боради.

Аҳолининг такрор барпо бўлиши жараёнидаги ўзгаришларни ифодалаш учун туғилишнинг йиғинди коэффицентини⁸ ҳисоблаш зарур. Коэффициент миқдорини бир аёлга нисбатан ҳисоблаш учун уни 1000 га бўлинади. Амалда ёшлар бўйича туғилиш миқдори ҳақидаги маълумотлар 5 – ёшлик оралик бўйича чоб этилиши сабабли қуйидаги формуладан фойдаланилади⁹:

$$TER = \frac{5x \sum_{15}^{49} {}_5ASFR}{1000}, \quad (2)$$

бу ерда: ${}_5ASFR$ – 5 ёшлик ораликлар учун туғилиш миқдорининг ёш бўйича коэффицентлари.

Ўзбекистонда туғилишнинг йиғинди коэффицентини 1991-2008 йилларда маълум даражада камайиб келган. 1991 йилда ушбу коэффициент республикада 4,19 ни ташкил этган. Яъни, 1991 йилда фарзанд кўриш ёшидаги аёлларга нисбатан ўртача 4,19 та туғилиш тўғри келган. Бундай ҳол Ўзбекистонда туғилишнинг бир қадар қисқариб келаётганидан далолат беради (4-жадвал).

4-жадвал.

Ўзбекистонда туғилишнинг йиғинди коэффицентини динамикаси.*

Йиллар	1979	1989	1991	1995	2000	2005	2008	2010	прогноз	
									2015	2020
Жами аҳоли	5,08	4,02	4,19	3,59	2,58	2,36	2,55	2,56	2,56	2,57
Шаҳар аҳолиси	3,13	3,01	3,13	2,80	2,09	1,98	2,22	2,23	2,28	2,31
Қишлоқ аҳолиси	6,90	4,80	4,99	4,12	2,89	2,58	2,74	2,75	2,77	2,78

* Манба: Демографический ежегодник - Москва: 1980. с.310; Демографический ежегодник Узбекистана. - Ташкент: 2003, с. 112, ҳамда Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

⁸ У маълум авлодга тегишли ҳар бир аёлнинг фарзанд кўриш даврида (ўртача 15-49 ёш) туғилган болаларининг ўртача сонини билдиради. Агар мазкур коэффициент қайси бир ҳудудда 4,15 дан юқори бўлса, шу ҳудудда аҳоли сони тез суръат билан кўпайиб боради, аҳоли таркибида болалар (0-14 ёш) салмоғи юқори бўлиб, қариялар (60 ёш ва ундан катталар) салмоғи паст бўлади. Агар туғилишнинг йиғинди коэффицентини 2,15 дан кичик бўлса, аҳоли жуда секин ўсиб боради, аҳоли таркибида болаларга нисбатан қариялар салмоғи юқори бўлиб, аҳолининг демографик қарий жараёни юз беради. Бу кўрсаткич 2,15-4,15 бўлса туғилиш даражаси нормал жуда юқори ёки жуда паст даражада кўпайиб бориши ҳам қатор ижтимоий-иқтисодий муаммоларни келиб чиқишига сабаб бўлади.

⁹ Медков В.М. Демография. – Москва: ИНФРА-М, 2005. – Б. 254.

4-жадвал жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, туғилишни йиғинди коэффиценти мунтазам камайиб бориш тенденциясига эга. Шахар аҳолисида бундай ҳол бир қадар жиддий аҳволда. Тадқиқотда туғилишнинг ёш гуруҳлари статистик прогнози асосида ушбу кўрсаткичнинг 2020 йилгача бўлган ўзгариши аниқланди.

Таҳлиллар кўрсатишича, Ўзбекистонда туғилиш жараёни 2000-2008 йиллар даражасида сақланган ҳолда, фарзанд кўриш давридаги ёшларнинг репродуктив майлида кескин ўзгариш содир бўлмаган ҳолда, туғилишнинг йиғинди коэффиценти яқин келажақда ўртача 2,5 – 2,6 ни ташкил этади. Республиканинг шаҳарларида келажақда оилада фарзандлар сони ўртача 2,3 ни ташкил этса, қишлоқ ҳудудларида бу кўрсаткич 2,8 ни ташкил этади.

Аҳолининг такрор барпо бўлиши жараёнини ифодаловчи муҳим кўрсаткичлардан яна бири брутто-коэффицентидир. Ушбу коэффицент – юқорида қайд этилганидек, шартли гипотетик авлоднинг ҳар бир 15-49 ёшдаги аёл неча қиз фарзанд кўришини ифодалайди.

Маълумки, ҳамма туғилган қиз ҳам она ёшигача етиб бориши қафолатланмайди. Уларнинг маълум қисми, қамолга етиб, репродуктив даврида яна фарзандлар кўради ва авлодлар алмашинувини таъминлайди. Аҳолини такрор барпо бўлишида она ёшигача тирик қолган қиз болалар муҳимдир. Уларнинг, яъни туғилган қизлардан қанча қисми она ёшига етиб боришини аниқлаш учун аҳолини такрор барпо бўлишини нетто-коэффицентидан фойдаланилади. Ушбу коэффицент туғилиб, онасининг ёшига етиб борган қизларнинг ўртача сонини ифодалайди. R_N аҳоли такрор барпо бўлишининг нетто-коэффиценти, туғилишнинг ёш гуруҳлари коэффиценти ва ўлим жадвали маълумотлари асосида қуйидаги формула асосида ҳисобланади:¹⁰

$$R_N = R_B * I_x \quad (3)$$

R_B – аҳоли такрор барпо бўлишини брутто-коэффиценти; I_x – онанинг ўртача ёшигача яшлаган аёллар.

Аҳоли такрор барпо бўлишининг нетто-коэффиценти, авлодлар алмашинувини ифодаловчи соф коэффицентдир. Мазкур коэффицент туғилиш ва ўлим жараёнларини ҳисобга олган ҳолда аҳолининг такрор барпо бўлишини тавсифлайди.

Нетто-коэффицент кўрсаткичи асосида аҳоли такрор барпо бўлишини тартиби оддий, кенгайтирилган ва қисқарган турларга ажратилади.¹¹ Аҳоли такрор барпо бўлишининг оддий турида – нетто коэффицент кўрсаткичи 1 га тенг ($R=1$) бўлади, бундай ҳолда аҳоли сони ўзгармайди. Кенгайган турида эса нетто-коэффиценти кўрсаткичи 1 дан катта ($R>1$) бўлади, аҳоли сони мунтазам кўпайиб боради ва қисқарган турида 1 дан кичик ($R<1$) бўлади, аҳоли сони камая боради.¹² Туғилишнинг камайиши репродуктив ёшдаги аёлларда

¹⁰ Демографический энциклопедический словарь. – М.: Советская энциклопедия, 1985. С.285.

¹¹ Қайд этилган манба, Б.366.

¹² Миграция ҳисобга олинмайди.

Ўлимнинг камайиб боришига ҳамда нетто коэффициентини камайишига сабаб бўлди.

Юқорида қайд этилганидек, 1991-2000 йилларда Ўзбекистонда туғилишнинг камайиши (туғилишнинг йигинди коэффициенти ушбу даврда республика бўйича 4,2 дан 2,5 гача, шаҳар жойларида 2,1 дан 2,12 га, кишлоқларда 4,9дан 2,7 гача) кузатилган. Натижада нетто коэффициент ҳам камайган. Айниқса бу коэффициент шаҳар аҳолисида 2000-2005 йилларда $R_0 < 1$ бўлиб аҳолининг такрор барпо бўлиши кискарган турда бўлган. Лекин 2005 йиллардан бошлаб республикада туғилишнинг бир мунча кўпайиши шаҳарларда қайд этилган демографик жараёнга ижобий таъсирини ўтказган.

Бугунги кунда Ўзбекистонда аҳолининг такрор барпо бўлишини нетто коэффициентини $R_0 > 1$ бўлиб, кенгайган турининг энг пастки чегарасида турибди. Қишлоқ аҳолисида бу коэффициент 1,3 ни ташкил этмоқда. Шаҳар аҳолисида эса $R=1$ бўлиб, кискарган тур нуктасига яқинлашган.

Шаҳар аҳолисида эса аҳоли такрор барпо бўлиши кискарган турига деярли ўтган. Чунки нетто коэффициент 1,0 га тенг.

Аҳоли такрор барпо бўлишининг нетто коэффициенти сўнгги 10-15 йил давомида $R_0 > 1$, ёки $R_0 = 1$ лигича сақланиб қолади. Шунда республика аҳолиси шу жумладан унинг иктисодий фаол қисми ҳам йилига ўртача 1,2-1,4 фоиздан кўпайиб бориши кутилади.

Х У Л О С А

Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг такрор барпо бўлиш жараёнлари ва улар билан боғлиқ масалаларни чуқур ва ҳар тарафлама статистик тадқиқ қилиш, натижаларини умумлаштириш асосида бир қатор хулоса қилиш ва таклифлар киритиш мумкин:

1. Ўтиш даврида аҳолининг такрор барпо бўлиш жараёнлари ва уларнинг намоён бўлиш шакллари мураккаб ва кўп қиррали тизимдир. Уларни статистик жиҳатдан ўрганиш ва ривожланиш қонуниятларини ҳар тарафлама ёритиш учун анъанавий, статистик таҳлил усуллари ва умумий туғилиш ва ўлим коэффициентлари, оддий динамика каторлари каби кўрсаткичларни қўллаш билан чегераланиб бўлмайди. Бунинг учун демографик жараёнларни тавсифловчи махсус кўрсаткичлар ва комплекс таҳлил усуллариининг кенг қўлланилиши зарур.

2. Демографик жараёнларни таҳлил қилиш ва статистик прогностлаштириш учун статистик тадқиқотлар ўтказиш амалиётини такомиллаштириш мақсадида тадқиқотда янги сўровнома саволлари ишлаб чиқилди ва синаб кўрилди. Бошқа мавжуд сўровномалардан фарқли ўлароқ, унда респондентнинг уй жой шароитида ва яшаш тарзи (ота-онаси билан ёки алоҳида яшаши) ҳақида саволлар кўзланиб, улар бошқа саволлар билан биргаликда демографик жараёнларнинг янги қирраларини ойдинлаштириш имкониятини яратди. Ишлаб чиқилган ва илмий асосланган сўровнома услубиёти Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси томонидан статистика амалиётида қўллаш учун тавсия этилди.

3. XX асрнинг 70 йилларига қадар Ўзбекистонда аҳолининг туғилиш даражаси жуда юқори бўлган. XX асрнинг сўнгги чорагида вазият биров ўзгарди, туғилиш даражаси пасайиш тенденциясига юз тута бошлади. Бунинг асосий сабаблари: ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан аёлларнинг фаоллашуви, маънавий ва маданий савиясининг ўсиши, ёшларни тарбиялаш ва соғлигини сақлашни яхшиланиши, гўдақлар ўлимининг қисқариши, аҳоли турмуш даражасининг ўсиши ва ҳ.к. Аммо, Ўзбекистон дунёда туғилиш даражаси юқори бўлган давлатлардан бири бўлиб, аҳолини кенгайган такрор барпо бўлиши билан тавсифланади.

4. Бозор муносабатларига ўтишнинг дастлабки даврида Ўзбекистонда демографик вазият кескин ўзгарди, аҳолининг ўсиш суръатлари пасая бошлади. Туғилиш даражаси кишлоқларда пасайиб, ўлим даражаси, аксинча, ошди. 1991-2001 йиллар давомида туғилганлар сони 723,4 минг кишидан 512,9 минг кишига, умумий туғилиш коэффициентлари эса – 34,5 % дан 20,4 % га ва махсус коэффициентлари 152,14 % дан 78,1 % га камайди. Шунинг билан аҳоли такрор барпо бўлиши брутто-коэффициенти 2,049 дан 1,261 га, нетто коэффициенти эса 1,943 дан 1,224 га камайди. Натижада аҳоли такрор барпо бўлиши кенгайган турдан оддий турга ўта бошлади. XXI асрнинг дастлабки йилларида Ўзбекистон иқтисодий ўсишга эга бўла бошлагандан сўнг аҳоли такрор барпо бўлиши кўрсаткичларида ижобий ўзгаришлар қайд қилинди. Масалан, 2008 йилга келиб туғилганлар сони 608 минг кишига ва умумий туғилиш коэффициенти 22,6 промиллега ва махсус туғилиш коэффициенти 80,2 промиллега етди. Ўлганлар сони 130,3 минг кишидан 135,6 минг кишига ёки умумий ўлим коэффициенти 6,2 % дан 5,5 % га камайди, жумладан гўдақлар, болалар ва оналар ўлимининг камайиши соғлиқни сақлаш тизими ривожланганлигидан далолат беради.

5. Ўтиш даврида Ўзбекистонда туғилишнинг йиғинди коэффициентининг 4,20 дан 2,55 пасайиши кўп болали оилалар ўрнини кам болали оилалар эгаллаётганлигидан далолат беради. Бу ҳулосани тадқиқотда олинган натижалар ҳам тасдиқлайди. Жумладан, 21,5 фоиз демографик омиллар, яъни репродуктив ёшдаги аҳоли салмоғини камайиши ҳисобига, 47,3 фоиз – аёлларнинг иқтисодий фаоллиги, маънавий-маданий савиясининг ўсиши, оилавий иқтисодий ҳолат, ҳомиладорликдан сақланиш воситаларидан фойдаланиш каби ижтимоий-иқтисодий омиллар ҳисобига ва қолган 20,2 фоиз бошқа омиллар ҳисобига содир бўлган. Республикада ўлим ҳодисалари ҳам асосан эндоген омиллар таъсири остида, яъни 60 ёшдан юқори, организм ривожланишдан тўхтаган кексалар таркибида рўй берган. Ўтиш давридаги кўрсаткичлар эндоген омиллар таъсири остида шакллانган.

6. Умуман олганда бугунги кунда Ўзбекистонда Республикасида юзага келган демографик вазият, мамлакат иқтисодиётини янада ривожлантириш учун қулай имкониятлардан биридир. Бироқ, бу ўринда жаҳон моливий-иқтисодий инқироз оқибатлари аҳолининг репродуктив майлига, мамлакатдаги демографик жараёнларга салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигини эътиборга олган ҳолда қулай демографик сиёсат олиб борилиши мақсадга мувофиқдир.

Чунки, демографик жараёнларни тиклаш, йўлга кўйиш, мухим ижтимоий иқтисодий сиёсатларни олиб боришдек узоқ вақт ва кўп маблағ талаб этади.

7. Бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисининг демографик қаранлари кескин ўзганлигини ҳисобга олган ҳисобга олиб, ҳулоса қилиш мумкинки, яқин ва ўрта келажакда аҳоли такрор барпо бўлиши кўрсаткичларида ва у билан боғлиқ демографик жараёнларда юқори даражада ўсиш каби ўзгаришлар бўлишини кутиш мантикий асосга эга эмас. Шунинг учун аҳоли такрор барпо бўлиши билан боғлиқ демографик жараёнларнинг ўрта прогноз ҳолатини белгилашда, жумладан туғилиш ўлим ҳамда аҳоли сонини 2020 йилгача статистик прогнозлаш йўли билан баҳолашда бу ҳулоса назарий асос сифатида қаралиши керак.

8. Тадқиқотда ишлаб чиқилган концепцияга биноан амалга оширилган яқин ва ўрта даврлар учун прогноз баҳолашлар натижалари кўрсатадики, туғилишнинг ёш гуруҳлари коэффиенти 2007 йилда 80,22 промилледан, 2020 йилда эса 77,22 гача камайиши, нетто коэффиенти эса 1,209 дан 1,217 гача бироз ошиши кутилади.

9. Тадқиқот натижалари кўрсатишича, янги иқтисодий шароитга ўтиш даврида мамлакатимиз аҳолисининг таркибида, демографик ҳолати ҳамда аҳолининг репродуктив майлида кескин ўзгаришлар содир бўлган бўлсада, бироқ, республикада 1989 йилдан то бугунги кунга қалар аҳоли рўйхати ўтказилмаган. Фикримизча, мамлакатнинг иқтисодий тараққий этишига, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган чора тadbирлар дастурларини ишлаб чиқиш учун мухим бўлган аҳоли сони, таркиби, жойлашиши, ҳақида янада аниқроқ маълумотларга эга бўлиш бўлиш учун яқин келажакда аҳоли рўйхатларини ўтказиш лозим.

10. Демографик сиёсатни такомиллаштириш ҳамда юзага келиши мумкин бўлган демографик муаммоларни олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ижтимоий тадқиқотлар институти қошида аҳолининг демографик муаммолари билан шуғулланувчи илмий-тадқиқот лабораторияларини ташкил этиш лозим.

ЧОП ЭТИЛГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Абдурахманов А.Д. Проблемы статистической оценки уровня воспроизводства населения // Иқтисодиётни барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш: ютуқлар, муаммолар ва вазифалар. Университет профессор-ўқитувчилари ва ёш олимларининг илмий-амалий анжумани тезислар тўплами. - Т.: ТДИУ, 2008. – Б.109-110.

2. Абдурахманов А.Д. Статистический анализ смертности населения Республики Узбекистан в условиях рыночной экономики // «Двадцать вторые международные плехановские чтения» Тез.докл.межд.науч-прак.конф. - М.: изд. РЭА, 2009. - С.119-120.

3. Абдурахманов А.Д. Бозор муносабатлари шароитида Ўзбекистонда туғилишнинг хусусиятлари ва таҳлили // Иқтисодиёт ва таълим. – Тошкент, 2009. – №3. - Б. 21-24.

4. Абдурахманов А.Д. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Ўзбекистоннинг демографик вазиятидаги ўзгаришлар // Жамият ва бошқарув. - Тошкент, 2009. - № 4. - Б.77-79.

5. Абдурахманов А.Д. Динамика коэффициентов воспроизводства населения в Узбекистане // «Социально-демографические процессы в современном Узбекистане» Материалы Республиканской научно-практической конференции, посвященной 15-летию Международной Конференции по народонаселению и развитию (Каир, 1994 г.). – Ташкент, UNPFA, 2009. – С.132-134

6. Абдурахманов А. Аҳолининг ёш-жинс таркибини баҳолаш муаммолари // «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида меҳнат муносабатларини такомиллаштириш масалалари» республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Тошкент, ТДИУ, 2010. - Б. 333-336.

**Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Абдурахманов
Абдуазим Джалалитдиновичнинг 08.00.06 – “Эконометрика ва статистика”
иқтисослиги бўйича “Ўзбекистон Республикаси аҳолисини такрорий
кўпайишини иқтисодий-статистик таҳлили” мавзусидаги
диссертациясининг
РЕЗЮМЕ СИ**

Таянч (энг муҳим) сўзлар: аҳолини такрор барпо бўлиши, демографик ҳолат, реал авлод, гипотетик авлод, репродуктив ҳулк.

Тадқиқот объектлари: Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси аҳолиси танланган. Тадқиқот предмети бўлиб эса Ўзбекистонда аҳоли такрор барпо бўлиши жараёнида намоён бўлувчи ижтимоий-иқтисодий муносабатлар.

Ишнинг мақсади: Ўзбекистон Республикаси аҳолисини такрор барпо бўлиши жараёнлари ва қонуниятларини комплекс равишда иқтисодий-статистик тадқиқ этиш асосида илмий жиҳатдан асосланган таклиф ва тавсиялари ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот усуллари: Диссертация тадқиқотида кагорта, статистик гуруҳлаш, нисбий миқдорлар, иқтисодий индекслар, динамика қаторлари, нисбий кўрсаткичлар тизими, статистик прогношлаш каби усуллардан кенг фойдаланилди.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилigi: янги ижтимоий-иқтисодий шароитда аҳолининг такрор барпо бўлиш жараёнларини статистик тадқиқ этишнинг ижтимоий-иқтисодий мазмун моҳияти очиб берилган; Ўзбекистоннинг янги иқтисодий муносабатларга ўтиш ва жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида аҳолини такрор барпо бўлиш жараёнларининг гипотетик ва реал авлодлар бўйича статистик параметрлари ишлаб чиқилган; аҳолининг такрор барпо бўлишидаги ўзгаришлар ва уларга таъсир этувчи демографик, ижтимоий, иқтисодий омиллар статистик баҳоланган; танланма кузатишлар натижалари асосида ҳозирги авлоднинг репродуктив фаолияти ўрганилган ва Ўзбекистоннинг шаҳар ва қишлоқ аҳолиси учун ўлим жадваллари тузилган; Ўзбекистоннинг демографик ривожланиш хусусиятларини ҳисобга олиб, республика аҳолиси такрор барпо бўлиши кўрсаткичларининг 2020 йилгача бўлган даврдаги статистик прогнози амалга оширилган.

Амалий аҳамияти: Илмий тадқиқот натижасида олинган хулосалар ва илмий амалий тавсиялардан Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини тузишда, шунингдек миллий демографик сиёсатни шакллантиришда фойдаланиш мумкин. Бундан ташқари тадқиқот натижаларидан олий ўқув юртларида “Ижтимоий статистика”, “Аҳоли статистикаси” фанларини ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: тадқиқот натижалари Давлат статистика қўмитасининг “Демография ва меҳнат статистикаси” бошқармаси амалий фаолиятида қўллаш учун фойдаланишга қабул қилинган.

Қўлланиш (фойдаланиш) соҳаси: республика ва вилоятлар статистика бошқармалари амалий фаолиятларида фойдаланилади.

РЕЗЮМЕ

диссертации Абдурахманова Абдуазима Джалалитдиновича на тему:
«Экономико-статистический анализ воспроизводства населения
Республики Узбекистан» на соискание ученой степени
кандидата экономических наук по специальности
08.00.06 – “Эконометрика и статистика”

Ключевые слова: Воспроизводство населения, демографическая ситуация, рождаемость, смертность, брачность, разводимость.

Объект исследования: В качестве объекта исследования выбрано население Республики Узбекистан. А предметом исследования являются социально-экономические отношения, складывающиеся в процессе воспроизводства населения Узбекистана.

Цель работы: разработка научно обоснованных предложений и рекомендаций на основе комплексного экономико-статистического исследования процессов и закономерностей воспроизводства населения Республики Узбекистан.

Методы исследования: в процессе исследования использованы общие методы научного анализа, статистические наблюдения, в том числе экспертная оценка, анкетное обследование «Когорт», статистические группировки, экономические индексы и ретроспективный анализ.

- **Полученные результаты и их новизна:** Раскрыта социально-экономическая сущность статистического исследования процессов воспроизводства населения в новых социально-экономических условиях; разработаны параметры воспроизводства населения гипотетического и реального поколения в условиях перехода к рыночной экономике Узбекистана и мирового финансово-экономического кризиса; статистически оценены изменения в воспроизводстве населения, а также влияющие на них демографические, социальные и экономические факторы; изучено репродуктивное поведение реальных поколений на основе результатов выборочного наблюдения, а также составлены таблицы смертности для городского и сельского населения Узбекистана; учитывая особенности демографического развития Узбекистана, разработан прогноз показателей воспроизводства населения до 2020 года.

Практическая значимость: возможность использования практических предложений при составлении программ по социально-экономическому развитию сельских и городских регионов Республики Узбекистан а также при разработке учебников, учебных пособий по предметам «Статистика населения», «Демография», «Социальная статистика».

Степень внедрения и экономическая эффективность: результаты исследования приняты для использования в практике управлением “Статистика демографии и труда” Государственного комитета по статистике.

Область применения: будут использованы в практике республиканских и областных управлений статистики.

RESUME

Thesis of Abdurakhmanov Abduazim Djalaliddinovich on the scientific degree competition of the candidate of economic on speciality 08.00.06 - "Econometrics and statistics"

Subject:

"Economic-statistical analysis of reproduction of population of the Republic of Uzbekistan"

Key words: reproduction of population, demographic situation, birth-rate, death-rate, marriage-rate and divorce-rate.

Object of research: The population of the Republic of Uzbekistan has been chosen as an object of research. The socio-economic relations developing during reproduction of the population of Uzbekistan is a subject of research.

The purpose of work: development of the scientifically proved proposals and recommendations on the basis of complex economic-statistical research of processes and laws of reproduction of population of the Republic of Uzbekistan.

Methods of research: during research the general methods of the scientific analysis, statistical observation, including expert estimation, questionnaire "Cohort", statistical groupings, economic indexes and retrospective analysis are used.

The received results and their novelty: The concept of research of population reproduction processes of the Republic of Uzbekistan in conditions of financial and economic crisis has been worked out; the parameters of reproduction of population of hypothetical and real generation in conditions of financial and economic crisis and market economy have been developed. The statistical analysis of change of processes of population reproduction, also demographic, social and economic forces has been carried out; reproduction behavior of real generations on the basis of results of selective supervision has been investigated; the tables of death-rate for the urban and village population of the Republic of Uzbekistan have been made; the forecast of parameters of reproduction of population up to 2020 has been elaborated.

The practical value: opportunity of use of practical proposals while drawing up the programs on socio-economic development of village and urban regions of the Republic of Uzbekistan and also while developing the textbooks, manuals on statistics of population, demography and social statistics.

Degree of embed and economic efficiency: results of research have been applied in practice by board "Demography and labor statistics" of the State Committee on statistics.

Field of application: will be used in practice of republican and regional boards of statistics.

Босишга рухсат этилди 26.03.2011 й. Қоғоз бичими 60x84 1/16.
Шартли босма табағи 1,25. Адади 100 нусха. 59-сонли буюртма.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети босмахонасида босилди.
100003, Тошкент ш., Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 49-уй